

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

## ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

### Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



### Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар айланмаси соддалаштирилди

Президент томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган Қонун имзоланди (29.09.2020 йилдаги ЎРҚ-639-сон).

#### Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган

Қонунга мувофиқ Давлат ўрмон хўжалиги органларнинг мансабдор шахслари қўмита номидан ишларни кўриб чиқишга ва жарималар тайинлашга; МЖТКнинг 77-м. 1 ва 2-қ., 78-м., 79\*-м., 83-м., 84\*-м., 90\*-м. 1-қ. бўйича ҳуқуқбузарликлар содир этилганда маъмурий йўл билан ушлаб туришга; буюмларни кўздан кечиришга; МЖТКнинг 78-м., 79\*-м., 84\*-м., 90\*-м. 1-қ. бўйича ҳуқуқбузарликлар содир этилганда – транспорт воситаларини кўздан кечириш ва маъмурий жазо қўллашга ҳақли.

#### Ерга оид муносабатларнинг янги форматлари

Киритилган тузатишлар билан ер участкаларини қуйидаги мақсадларда тақдим этишга рухсат этилди:

1) инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик (ДХШ) шартномаси асосида – 3 йилдан кам бўлмаган ва 49 йилдан ошмайдиган муддатга қуйидаги субъектларга ижарага берилади:

➢ қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ерлар ва лалми ерларни – Ўзбекистон фуқароларига ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига;

➢ ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерларини – жисмоний ва юридик шахсларга;

➢ яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дов-дарахтларни – Ўзбекистон фуқароларига, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шунингдек Ўзбекистон резидентлари бўлган инвесторларга;

2) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга (уларни учинчи шахсларга бериш ҳуқуқсиз) қуйидаги муддатларга иккиламчи ижарага берилади:

➢ тарафларнинг келишувига кўра белгиланган, бироқ ижарага бериш шартномаси муддатидан ортик бўлмаган муддатга – инвестиция шартномаси ёки ДХШ доирасида;

➢ бир йилгача – бошқа ҳолатларда (масалан, фермер хўжаликлари томонидан – қишлоқ хўжалиги экинларини оралатиб экиш учун).

Ерларни иккиламчи ижарага бериш тартиби кейинроқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

3) деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкалари эгалари ўзига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкаларини ёки ушбу ер участкаларининг бир қисmini қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга вақтинча фойдаланишга бериши мумкин.

\*Ўрмон фонди ерларининг бир қисмига.

\*\*Ўртача туман балл бонитетининг 20%дан ошадиган кадастр баҳосига эга бўлган.

### Акциядорлик жамиятлари: мансабдор шахслар масъулияти оширилди

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга тузатишлар киритилди (5.10.2020 йилдаги ЎРҚ-640-сон Қонун).

Киритилган ўзгартиришлар қуйидагилардан иборат:

а) жамиятга етказилган мулккий зарар учун жавобгарлик масалаларида ишончли бошқарувчи кузатув кенгаши аъзоси ҳамда бошқарув директори ва аъзосига тенглаштирилди. Энди унинг ваколатлари ҳам хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаш таққиланган ҳолда камида бир йил муддатга тугатилиши мумкин. Эслатиб ўтамиз, у мулккий зарар етказганликда суд томонидан айбдор деб топилган бўлиши керак, шунингдек ваколатлар суднинг қарори бўйича тугатилади;

б) кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари, директори ёки ишончли бошқарувчи томонидан содир этиладиган ноқонуний ҳаракатлар рўйхати кенгайтирилди. Унга қўшимча равишда қуйидагилар киритилди:

➢ қонунда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

➢ битимлар тузилиши натижасида фойда олиш мақсадида битимлар тузиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ёки битимлар тузишни таққил этганлик;

в) аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар борасида қуйидагилар қайд этилди:

➢ АЖ йиллик ҳисоботининг бир қисми ҳисобланган аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ҳақидаги маълумотларда битимлар тузиш чоғида манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотлар кўрсатилиши лозим;

➢ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши мезони ўзгартирилди. Илгари аффилиланган шахсининг активлари қиймати олинар эди, эндиликда – битим миқдори АЖ соф активлари қийматининг 10%и ва ундан ортигини ташкил этади;

➢ АЖ аффилиланган шахс билан тузилган битим ҳа-

қидаги ахборотни битим тузилган пайтдан эътиборан 72 соат ичида Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ҳамда ўз сайтида ошқор этиши шарт («Қимматли қозғалар тўғрисида»ги Қонунга ҳам шундай норма киритилди, тахр. узоқ);

#### Суғориладиган ерлар – фақат қишлоқ хўжалиги учун

Суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадлар учун, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун, шунингдек унумдор тупроқ талаб этилмайдиган илғор технологияларнинг (гидропоника ва бошқалар) янги усуллари қўлланиладиган иссиқхоналар қурилиши учун ажратишга йўл қўйилмайди. Бундан Президентнинг қарорига мувофиқ ерларни ажратиш мустасно.

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари\*\* алоҳида ҳолларда Президентнинг қарорига биноан берилади. Илгари бундай ҳуқуқ Вазирлар Маҳкамасига берилган эди.

#### Дам олиш зоналари қандай ташкил этилади

Рекреация зоналари – географик ва иқлимий шароитларга эга муҳофаза этиладиган, туризм ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкиллаштириш учун яроқли бўлган табиий ҳудудларни ташкил этиш тартибига тузатишлар киритилди:

➢ давлат ўрмон фонди участкаларида – Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг тақдимномасига биноан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан ташкил этилади;

➢ бошқа ҳолларда – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биргаликдаги тақдимномасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан ташкил этилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 30.09.2020 йилдан кучга кирди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 5.10.2020 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

7-бетда

Ушбу сонда:

2-БЕТ

Бухгалтер, III чоракни хатосиз ёпинг!

3-6-БЕТЛАР

Ўзини ўзи банд қилганлар ва уларнинг пенсияси

Мен икки марта фамилияمنى ўзгартирганман...

8-БЕТ

Ўзбекистонда 100 ёшдан ошган пенсионер қанча?

## Қандай қилиб III чоракни хатосиз ёпиш мумкин

2020 йил III чорак учун солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг «қизгин» саналари яқинлашмоқда. Корхонанинг кўпчилиги ходимлари, жумладан бухгалтерия хизмати ходимлари ҳали ҳам масофадан ишлаётган бир вазиятда бухгалтер барча зарур ҳужжатларни тўплашига тўғри келади. Шундай паллада қандай қилиб хатоларни минималлаштириш мумкин?

Эксперт Татьяна ЛИМАРЕВА бу борадаги маслаҳатлари билан ўртоқлашади.

**1** E-factura электрон ҳисобварақ-фактуралар сервисы ёрдамида ким сизга 2020 йил июль-сентябрь ойлари учун ҳисобварақ-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаларини тақдим этгани, контрагентлардан қайсиларига сиз шу даврда уларни тақдим этганини текширинг:

- «Олинганлар» ёки «Жўнатилганлар» бўлимини танланг;
- «Филтер» тугмасига босинг;
- зарур даврни кўрсатинг (масалан, 01.07.2020 й. – 30.09.2020 й.);
- «Излаш» тугмасига босинг;
- «Excel га юклаш»га босинг. Натигада сиз қўлай Excel форматда олинган ва жўнатилган ЭХФ ва бажарилган ишлар далолатномалари бўйича таққослаш учун реестрни оласиз. Уни

компьютерингизнинг иш столидаги қўлай жойга сақлаб қўйинг.

Товарлар, хизматларнинг барча кўрсаткичлари тўғри кўрсатилганлигини, тузатиш киритилаётган ҳисобварақ-фактуралар қилиш зарурлигини текширинг (СК 47-м. 4-қ., 257, 269-м.). Ушбу маълумотларни бухгалтерлик дастурида ҳисоб маълумотлари билан солиштиринг. Олдинги ҳисобот даври учун (2020 йил январь-июнь) барча ҳисобварақ-фактура ва бажарилган ишлар далолатномалари бўйича сизда бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилганлигига ишонч ҳосил қилинг. Бунинг учун юқорида баён этилган тарзда олинган ва жўнатилган ЭХФлар бўйича солиштириш файл-реестрини юклаб олиш ҳам мумкин.

**2** Бухгалтерлик дастурида ҳисобот даври учун барча қолган бирламчи ҳужжатларни текширинг (фотоҳисоботлар, Телеграм-каналлардаги файллар, ходимлар сизга почта орқали жўнатган ҳужжатларнинг скриншотлари: буйруқлар, иш вақти ҳисоби табеллари, савдо агентлари ҳисоботлари, хизмат сафарлари ва корпоратив картадан маблағларни ишлатиш бўйича бўнақ ҳисоботлари ва ҳ.к.);

- «масофадан» ишлаганда 2020 йил июль-сентябрь ойлари учун олинган ҳужжатларни текширинг (фотоҳисоботлар, Телеграм-каналлардаги файллар, ходимлар сизга почта орқали жўнатган ҳужжатларнинг скриншотлари: буйруқлар, иш вақти ҳисоби табеллари, савдо агентлари ҳисоботлари, хизмат сафарлари ва корпоратив картадан маблағларни ишлатиш бўйича бўнақ ҳисоботлари ва ҳ.к.);
- Ҳисобот даври учун «Банк-мижоз» ёки «Интернет-банкнинг» тизимлари ёрдамида ҳисобварақлардаги, шу жумладан КПҚдаги маблағлар ҳаракати бўйича банк кўчирмасини шакллантиринг ва таҳлил қилинг. Асосий ҳисобварақ, иккиламчи ва махсус ҳисобварақлар, валюта ҳисобварақлари бўйича банк кўчирмаси ва бухгалтерлик дастури маълумотлари бўйича қолдиқни таққосланг. Эҳтимол, сиз ниманидир – қандайдир тўловни, ҳисобварақдан банк фоизи ёки «Банк-мижоз» тизими, терминалдан фойдаланганлик учун абонент тўловини ечишни ва ҳ.кни эътибордан қочиргандирсиз.
- имкон қадар контрагентларингиздан ҳисобот даври учун электрон шаклда таққослаш далолатномалари

рени сўранг ва тузинг. Бу жуда муҳим, сабаби ўтган ҳисобот даври учун солиқ органлари ва бухгалтерларнинг ўзлари шакллантирилган ва тасдиқланган ЭХФ кўрсаткичларида талай хатоларни аниқладилар. Бундан ташқари, энди Айланмадан олинмадан солиқ ҳисобкитоби ҳам автоматлаштирилган режимга ўтказилган. Яъни ушбу солиқни тўловчилар ҚҚСни тўловчилар сингари Ҳисоб-китобнинг 010-сатри 3-устуни тўғри тўлдирилиши учун III чорак учун ЭХФни шакллантиришлари зарур.

Сизнинг реализация қилинган ва олинган товарлар ва хизматлар бўйича кўрсаткичларингиз контрагентлар кўрсаткичлари билан тўғри келишига ишонч ҳосил қилинг.

Шунингдек, эҳтимол III чорак учун ҳисобварақ-фактураларнинг бир қисми сизда фақат қоғоз шаклида қолиб кетган бўлиши мумкин. Уларни албатта ЭХФ тизимига ўтказиш шарт, сабаби олинган ва жўнатилган ҳисобварақ-фактуралар реестрлари (ҚҚС ҳисобкитобига 4 ва 5-иловалар), шунингдек Айланмадан олинмадан солиқ ҳисобкитоби ЭХФ маълумотлари асосида шакллантирилади.

Бухгалтерлик дастурида ҳисобот даври учун иш ҳақи, дивидендлар, хизмат сафари пуллари ва бошқа тўловлар ҳисобланганлиги ва тўланганлиги акс эттирилганлигини текширинг.



Қарз олиш ва сўндириш шартномаларини таҳлил қилинг. Улар орасида фоизсиз ёки «кам фоизли» (МБнинг қайта молиялаш ставкаси – 16%дан

паст (10 сентябрга қадар), 10 сентябрдан бошлаб – 14%) олинган қарзлар мавжудлигини текширинг (СК 299-м. 4-қ., 463-м. 1-қ.)



2020 йил 1 апрелдан 31 декабргача (31 декабрь ҳам кирди) бўлган давр учун фоизсиз қарз олинганда қайта молиялаштириш ставкаси асосида аниқланадиган даромад фойда солиғи ва айланмадан олинмадан солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда қарз олувчининг жами даромади таркибига киритилмайди (ПФ-5978-сон 15-б. 8-хатбоши; Молия вазирлигининг 16.04.2020 йилдаги 06/04-01-03-32/1107-сон хати 9-б.).

➢ 2020 йилнинг III чораги учун алоҳида, шунингдек ўсиб борувчи якуни ҳисобга олган ҳолда 9 ой (2020 йил январь-сентябрь) учун айланма-салдо қайдномасини шакллантиринг. Унда «қизил ранг»лар, контрагентларнинг ёпилмаган суммалари ва ҳ.к. бўлмадлиги керак. Бунинг учун бухгалтерия ҳисобварақлари бўйича қолдиқларни контрагентлар бўйича таҳлилий ҳисоб билан солиштиринг (масалан, номи, шартнома №) 4000, 4200, 4300, 4700, 4800 и 6000, 6300, 6600, 6700, 6800, 6900 ва ҳ.к.);

➢ таннархни шакллантиринг, даромадлар ва харажатлар счётларини (9000, 9100, 9300, 9400, 9500, 9600, 9700) ёпинг.

Шунингдек, барча ҳужжатлар, маълумотлар регистрлари, бухгалтерлик дастури ички регламент ҳисоботлари сизда ўз вақтида ўтказилганлигига ишонч ҳосил қилинг – даврни ёпиш,

**3** Агар сизнинг корхонангиз кичик бизнес субъектлари жумласига кирмаса, 25 октябрга қадар 2020 йил III чорак учун молиявий ҳисоботни – Бухгалтерия баланси ва III чорак учун Мо-

таннарх ва молиявий натижаларни шаклланишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган уларни шакллантириш даврийлиги ва кетма-кетлиги бузилмаган бўлиши керак.

Харажатлар таснифи, уларни таннархга, реализация қилиш бўйича харажатларга, маъмурий ва бошқа харажатларга тўғри киритилганлигини текширинг. Фойда солиғини тўловчилар барча харажатлар чегириладиган ва чегирилмайдиган харажатларга тўғри киритилганлигини диққат билан таҳлил қилишлари зарур. Бунда сизга «**НОРМА**» компанияси эксперти Наталья МЕМЕТОВАНING маслаҳати ёрдам беради («СБХ»нинг 16.06.2020 йилдаги 24 (1348)-сонда чоп этилган).

Фойда солиғи ёки айланмадан олинмадан солиқни ҳисоблаб чиқаринг ва ҳисобда ўтказма билан акс эттиринг - Дт 9810 Кт 6410.

лиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тўлдириш ва топширинг (Чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш мuddатлари тўғрисидаги низом 1-4-б., АВ рақами 942, 3.07.2000 й.)

**4** Агар карантиндан чиққандан кейин сиз олдинги ҳисобот даврлари учун ҳисоб маълумотларида хатоларни аниқлаган бўлсангиз:

➢ молиявий ҳисобот кўрсаткичларига тузатиш киритинг (Қоидалар 15-б., АВ рақами 1209, 24.01.2003 г.);

➢ солиқ ҳисоботини қайта топширинг (СК 83-м. 1-қ.).

[buxgalter.uz](http://buxgalter.uz).



Микрофирмалар ва кичик корхоналар 2020 йил май-декабрь ойларида ижтимоий солиқнинг 1% ставкасини қўллайдилар;

УШБУ СОНДА

- **ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**  
– Янги ҳужжатларни тақдим этишимиз  
**1, 7-бетлар**
- **БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ**  
– Қандай қилиб III чоракни хатосиз ёпиш мумкин  
**2-бет**

- **ПЕНСИЯ ИШИ**  
– «Хусусий» ишловчилар учун пенсия  
– Халқаро стандартлар бўйича  
– Богбон учун ҳужжатлар  
– Дастлабки ҳисоб-китоблар  
– Медаль – имтиёзларсиз  
– Ҳарбий пенсионерлар  
– Далил учун ҳужжат

- Стажга қўшиладими?
- Ўқишни тугата олмагандан
- Муддат чекланган
- Иш ҳақига мукофотлар
- Тўқсонинчи йиллардаги тартиб
- Манзил бўйича ёрдам
- Пенсия ҳисоблашда қайси мезонларга асосланилади?

- Танлов бўйича пенсия  
**3-6-бетлар**
- **САЛОМАТЛИК БУРЧАГИ**  
– Халқ таъбири вируснинг тожини синдирадими?  
**8-бет**
- **ҚИЗҚАРЛИ СТАТИСТИКА**  
– Юз ёшдан ошган юртдошларимиз қайси ҳудудда кўпроқ?  
**8-бет**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига қўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «**NORMA davriy nashrlari**» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

# ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон\*

Пенсияни расмийлаштириш чоғида у ёки бу вазият билан боғлиқ кўпгина саволлар туғилади. Булар стаж, медаль билан тақдирланганлар учун имтиёзлар ёки боғдорчилик билан шугулланаётганлар учун зарур ҳужжатлар ҳақидаги саволлар кўп учрайди. Ушбу соннинг саҳифаларида «Норма» МЧЖ экспертлари томонидан кўпгина саволларга тушунтиришлар берилган.

## Экспертдан сўранг

### «Хусусий» ишловчилар учун пенсия

Ҳозирги пайтда аҳолининг кўп қисми расмий ишга жойлашмаган ҳолда тирикчилик учун даромад топмоқда. Бу давр зое кетмаслиги ва пенсияга чиқишда иш стажига ҳисобга олиниши учун «ўзини ўзи банд қилган» мақомини олиш лозим. Бу мақом қандай олиниши ҳақида «Норма» МЧЖ эксперти Зафаржон Хўжаев сўзлаб берди.

– Кимлар ўзини ўзи банд қилганлар тоифасига киради?

– Ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига турли фаолият турлари киритилган, масалан, репетиторлик, болаларни, кексаларни парваришlash, таъмирлаш, уйдаги юмушларга кўмаклашиш, таржима хизматлари ва ҳ.к. Рўйхатга жами тадбиркорлик фаолиятининг 67 та тури киритилган (Рўйхат, 8.06.2020 йилдаги ПҚ-4742-сон қарор билан тасдиқланган).

– Ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтиш учун қаерга муро-

жаат қилиш ва бунда қандай ҳужжатларни тақдим этиш лозим?

– Ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибида ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда махсус мобиль илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади ҳамда вақтинчалик меҳнат гувоҳнамаларини бериш тартиби бекор қилинади (ПҚ-4742-сон қарорнинг 3-банди).

– Ўзини ўзи банд қилганда пенсия қандай ҳисобланади?

## БУГУНГИ СОНДА:

МЕДАЛЬ –  
ИМТИЁЗЛРСИЗ

Тўлов назарда  
тутилмаган

4

ДАЛИЛ УЧУН  
ҲУЖЖАТ

Фамилия  
ўзгартирилганда

5

ЎҚИШНИ ТУГАТА  
ОЛМАГАНДА

Талабалик йиллари  
стажга кўшилади

5

ТЎҚСОНИНЧИ  
ЙИЛЛАРДАГИ  
ТАРТИБ

Сугурта  
бадаллари қандай  
ҳисобланган

6

## Маълумот учун.

Ташкилот маъмурияти ходим пенсия ёшига тўлган кундан кечиктирмай уни пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлганлиги ҳақидаги **ХАБАРДОР ҚИЛИШИ ШАРТ.**

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

– Ўзини ўзи банд қилган шахсларга барча фуқаролар учун белгиланган тартибда пенсия ҳисобланади. Бунда пенсия ҳисоблаш учун иш ҳақи миқдори яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда аниқланади.

Иш ҳақи миқдори 2020 йил учун БҲМнинг камида 50%и ҳажмида тўланган ижтимоий солиқдан келиб чиққан ҳолда белгиланади (ПҚ-4742-сон қарорнинг 3-банди).

Пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун ҳисобга олинандиган муайян ой (йил) учун яқка тартибдаги тадбиркорнинг иш ҳақи қуйидаги тарзда аниқланади: тўланган ижтимоий солиқ суммаси микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжалиқлари учун белгиланган амалдаги солиқ ставкасига бўлинади ва ҳосил бўлган натижа 100 га қўпайтирилади (Низомнинг 39-банди, ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорига 1-шлова).

**МИСОЛ.** 2020 йил июль ойи учун ижтимоий солиқ 111 500 сўм миқдоридан тўланган. Тегшишча, 2020 йил июль ойи учун даромад 929 166,67 сўмни (111 500 / 12 x

100) ташкил қилган, бунда 12% – микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжалиқлари учун белгиланган ижтимоий солиқ ставкаси.

Ўзини ўзи банд қилган шахс ижтимоий солиқ миқдорини оширган ҳолда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган иш ҳақи миқдорини ошириши мумкин.

Шу тариқа, 2020 йил июль ойи учун 275 минг сўм миқдоридан ижтимоий солиқ тўланган тақдирда, июль ойи учун даромад 2 291 666,67 сўмни (275 000 / 12 x 100) ташкил этади.

**Маълумот учун.** Пенсияни ҳисоблаш учун пенсия ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 бараваридан кўп бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи суммаси қабул қилинади. 2020 йил 1 сентябрдан унинг миқдори 2 624 700 сўмни ташкил этади. (Қонуннинг 31-моддаси; ПФ-6038-сон Фармоннинг 2-банди).

## Биз ва ҳуқуқларимиз

# Халқаро стандартлар бўйича

Бунгунги кунда Ўзбекистонда 700 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан 100 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган 16 ёшгача болалар истиқомат қилади.

«Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонунда ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро стандартлар ва БМТ Конвенцияси талаблари назарда тутилган, шунингдек «ногирон» сўзи ўрнига «ногиронлиги бўлган шахс» тушунчасидан фойдаланилиши ушбу тоифа вакилларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

«Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳамюртларимизга амалдаги қонун ҳужжатларида мавжуд бўлмаган янги имтиёзлардан фойдаланиш имконини беради.

Қонун кучга кириши билан тиббий комиссиялар фаолияти яхшиланади, мурожаат этувчи 10 календарь кун мобайнида хулосани олади. Тиббий кўриқлар бепул ўтказилади. Ногиронлиги бўлган шахс амбулатор ва стационар шароитларда имтиёзли даволанади, шунингдек уларнинг протез ва ортопедик ускуналарга бўлган эҳтиёжлари қондирилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун йўлақлар, пандуслар, жамоат транспортида махсус жойлар ташкил этилади,

бекатларда кириш ва чиқиш учун қўлайлиқлар яратилади. Улар учун таълимнинг барча bosқичлари имтиёзлар назарда тутилган:

➢ коллеж ва техникумларда касбга ўқитиш давлат ҳисобидан таъминланади;

➢ олий маълумот олиш учун умумий контингентнинг 2%и ҳисобидан давлат грантлари ажратилади.

Маҳаллий ҳокимликлар зиммасига ногиронлиги бўлган шахсларнинг яшаш шароитларини яхшилаш масъулияти юкланади. Қўмак олиш, шу жумладан никоҳ ва оила қуриш, фарзандликка олиш, болани парвардишлар билан боғлиқ мажбуриятларни бажаришда уй ва яшаш жойи бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан ҳуқуқлари таъминланади.

Давлат томонидан ногирон болаларни тарбиялаётган oilалар моддий ёрдам, маслаҳат ва бошқа кўмаклар кўрсатилади ҳамда қўллаб-қувватланади.

Ушбу Қонун Тошкентда бўлиб ўтган Сенатнинг VII ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган.

Манба: [gazeta.uz](http://gazeta.uz).

## Маълумот учун!

1 гуруҳ ногирони ёки 80 ёшдан ошган кексаларни парваришлаш бўйича **ТЕКШИРУВ** далолатномасини расмийлаштириш **ДАВРИЙЛИГИ** ҳар 12 ойда белгиланади.

Маевуви сонни Алла Ромашко олиб боради.

Бизга ёзган экансиз

## Боғбон учун ҳужжатлар

**?** *Ўзининг томорқа участкасида ишлайдиган шахс пенсияни расмийлаштириш учун қандай ҳужжатларга (мехнат дафтарчаси, маълумотномалар, буйруқлардан кўчирмалар ва ҳ.к.) эга бўлиши керак?*

– Яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига пенсияни расмийлаштириш учун мурожаат қилинганда паспорт нусхаси тақдим этилиши лозим (*Низомнинг 19-банди, ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорига 1-илова*).

Шунингдек Давлат пенсияни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12–14-бандларида кўрсатилган кўшимча ҳужжатлар ҳам тақдим этилиши керак (*ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова*).

## Дастлабки ҳисоб-китоблар

**?** *Эркак узоқ вақт (10–15 йил) энг кам иш ҳақи олган, пенсияга чиқишдан 2–3 йил олдин унинг иш ҳақи анча ошган (2 млн сўм ва ундан юқори бўлган).*

*Бу унинг пенсияси миқдори таъсир қиладими? Ёшга доир пенсияга чиқиши учун умумий стажи етарли – 25 йилдан ортки.*

– **Ҳа, албатта, таъсири бўлади.** Пенсия миқдори энг кам иш ҳақига тенг бўлган ўртача ойлик иш ҳақидан ҳисобланган суммадан фарқ қилади. Пенсия ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори кетма-кет 60 календарь ой учун ҳисобланган иш ҳақининг умумий суммасини 60 га бўлиш орқали аниқланади.

Буни инфляцияни ва нарх ошишини ҳисобга олмаган ҳолда мисолларда кўриб чиқамиз.

**1-МИСОЛ.** Шахс 60 ой давомида ойига 679 330 сўмдан (мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори) иш ҳақи олган. Тегизишча, ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 679 330 минг сўмни (679 330 x 60 / 60) ташкил қилади.

Мазкур ҳолатда стаж 25 йил бўлганда пенсия миқдори 373 631,5 сўмни (679 330 x 55 %) ташкил қилади.

Пенсия миқдори энг кам пенсиядан кампигини ҳисобга олган ҳолда, пенсиясизга 466 680 сўм миқдорида пенсия тайинланади.

**2-МИСОЛ.** Фуқарога дастлабки 2 йилда ойига 679 330 сўмдан, охириги 3 йилда эса – 2 млн сўмдан иш ҳақи тўланган. Тегизишча, ўртача иш ҳақи миқдори

1 471 732 сўмни (679 330 x 24 + 2 000 000 x 36) / 60) ташкил қилади.

Мазкур ҳолатда стаж 25 йил бўлганда, пенсия миқдори 809 452,6 сўмни (1 471 732 x 55 %) ташкил қилади, бу 466 680 сўмдан анча юқори.

**3-МИСОЛ.** Фуқарога дастлабки 3 йилда ойига 679 330 сўмдан, охириги 2 йилда эса – 2 млн сўмдан иш ҳақи тўланган. Ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 1 207 598 сўмни (679 330 x 36 + 2 000 000 x 24) / 60) ташкил қилади.

Мазкур ҳолатда стаж 25 йил бўлганда пенсия миқдори 664 178,9 сўмни (1 207 598 x 55 %) ташкил қилади, бу ҳам 1-мисолдаги суммадан анча юқори.

**4-МИСОЛ.** Фуқарога 5 йил мобайнида мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори, охириги йили эса – 2 млн сўм тўланган. Пенсия миқдори, агар фуқарога 6 йилда мехнат ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори тўланган бўлса, ушбу миқдордан фарқ қилади.

Ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 943 464 сўмни (679 330 x 48 + 2 000 000 x 12) / 60) ташкил қилади.

Стаж 25 йил бўлганда пенсия миқдори – 518 905,2 сўмни (943 464 x 55 %) ташкил қилади.

**Маълумот учун!**

Гувоҳлар кўрсатмалари асосида иш ҳақини **БЕЛГИЛАШГА ЙЎЛ КЎЙИЛМАЙДИ**. Лавозим бўйича маош тўғрисидаги штат жадвалидан кўчирмалар ва жамоат ташкилотларининг аъзолик чипталари иш ҳақини тасдиқловчи ҳужжат **БЎЛА ОЛМАЙДИ**.

## Медаль – имтиёзларсиз

**?** 1990 йилда «Меҳнат фахрийси» медали билан тақдирландим. Медаль асосида пенсия ёшига етганимда имтиёзга эга бўлишим айтилган эди.

Бироқ ҳозир Пенсия жамғармасида ушбу медаль бўйича норматив ҳужжатлар ўз кучини йўқотганлигини айтиб, имтиёзни рад этишяпти.

«Меҳнат фахрийси» медалининг ҳуқуқий мақомини тасдиқлайдиган норматив ҳужжат мавжудми ва пенсияга чиқишимда имтиёзлар берилиши лозимми?

– Афсуски, пенсия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари меҳнат фахрийларига алоҳида имтиёзлар назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида хизмат кўрсатган шахслар учун, кўрсатган хизматидан қатъи назар, пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 100%идан 150%игача миқдорда пенсияга устамалар назарда тутилган («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддаси «к» кичик банди).

Президентнинг «Фахрий унвонлар учун тўлов миқдо-

рини ошириш тўғрисида»ги Фармони (17.12.2007 йилдаги ПФ-3942-сон) билан Фахрий унвонлар учун ойлик тўловлар миқдорлари тасдиқланган. Бироқ «Меҳнат фахрийси» унвони унга киритилмаган.

I ёки II даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланган шахслар «Нуроний» жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир йўла тўланадиган мукофот олишга ҳақли эканлигини қўшимча қиламиз (Низомнинг 8-банди, 14.07.2017 йилдаги ПҚ-3133-сон қарорга 1-илова).

## Ҳарбий пенсионерлар

**?** 30.07.2020 йилдаги ПФ-6038-сон Фармонга мувофиқ 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсиялар оширилиши натижалари бўйича ҳарбий пенсионерлар учун пенсиялар 1,1 барабардан кам миқдорда оширилган.

Тушунтириб берсангиз, Фармон ЎзР фуқароларининг айрим тоифаларига, айнан Мудофаа вазирлигининг пенсионерларига татбиқ этилмаслиги мумкинми?

– Президентнинг «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони (30.07.2020 йилдаги ПФ-6038-сон) билан барча турдаги пенсиялар 1,1 барабарга оширилиши назарда тутилган.

Шунингдек айрим техник жиҳатларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Фуқароларнинг пенсияси оширилиши пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорига боғлиқ, яқин вақтгача у базавий ҳисоблаш миқдори билан бир вақтда оширилган эди.

Бунда ҳарбий хизматларчилар пенсиясининг оширилишида айнан БҲМ кўрсаткичи ҳисобга олинади. Бироқ

ПФ-6038-сон Фармонда унинг оширилиши назарда тутилмаган.

Тақдим этилган маълумотга мувофиқ ҳарбий хизматчиларнинг пенсияси 9%га оширилган. Мазкур вазият ҳарбий хизматларнинг пенсиясини ҳисоблашда ҳисобга олинандиган умумий пул таъминоти таркибига қўшиладиган озиқ-овқат таъминоти учун компенсация БҲМ миқдорига боғлиқлиги билан асосланади.

БҲМ миқдори оширилмаганлигини ҳисобга олган ҳолда, озиқ-овқат таъминоти учун компенсация миқдори ҳам оширилмаган. Натижада пул таъминотининг умумий суммар миқдори 9%га оширилган, ва тегишинча, пенсия миқдори ҳам 9%га оширилган.

### Маълумот учун!

Ўзбекистонда **ДОИМИЙ** яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг хорижда ишлаган вақти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистондаги меҳнат фаолиятига тўғри келадиган стажнинг 1/3 қисмидан ортиқ бўлмаган миқдорда стажга қўшилади.

## Далил учун ҳужжат



**Фамилиямни икки марта ўзгартирганман.**

**Пенсияни расмийлаштиришда буни ҳужжатлар билан тасдиқлашим лозимми?**

– Ҳа, фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш лозим.

Фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар сифатида никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома, фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилганлиги тўғрисидаги маълумотнома, никоҳ бекор

қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, фуқаролик ҳолати далолатномасининг тегишли ёзувидан кўчирма, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари (мансабдор шахслари) маълумотномаси тақдим этилади (252-сон Низомнинг 12, 21-бандлари).

## Стажга қўшиладими?



**Амаким касб касаллиги туфайли II гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Яқинда у пенсия ёшига тўлади.**

**Ёшга доир пенсияга чиқишда ногиронлик йиллари ҳам қўшиладими?**

– Ҳа, қўшилади. Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги туфайли I ва II гуруҳ ногиронлигида бўлган даври ёшга доир пенсияни ва оқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашда ҳисобга олинади (Қонуннинг 37-моддаси 4-қисми).

Бир вақтнинг ўзида шахснинг меҳнат фаолиятини амалга оширмаган ҳолда меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги туфайли I ёки II гуруҳ ногиронлигида бўлган даври иш ҳақини аниқлашда охириги 10 йиллик меҳнат фаолияти даврига киритилмайди (252-сон Низомнинг 87-банди).

## Ўқишни тугата олмаганда



**Акам олий ўқув юртида ўқирди, бироқ охириги курсни тугата олмаган. Бу ҳақда маълумотнома бор.**

**Ушбу давр пенсияни ҳисоблашда стажга киритиладими?**

– Олий таълим муассасаларида, аспирантурада, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтида, катта илмий ходим-изланувчилар институтида, таянч докторантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан чет элда ўқиш даврий ташга қўшилади (Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми «е» банди).

Бунда кундузги ўқишни мажбурий тартибда тугатиш тўғрисидаги талаб мавжуд эмас. Шу муносабат билан олий таълим муассасаларида (шу жумладан ўқиш ҳарбий хизматга тенглаштирилган ҳарбий таълим муассасала-

рида, шунингдек партия мактабларида), аспирантурада (стажёрлар-тадқиқотчилар-изланувчилар институтида), докторантурада (катта илмий ходимлар-изланувчилар институтида) ва клиник ординатурада, таянч докторантурада ва докторантурада (олий таълимдан кейинги таълим институтида), шу жумладан чет элда ўқишни тасдиқлайдиган диплом ёки маълумотнома тақдим этилиши етарли бўлади (252-сон Низомнинг 12-банди «е» кичик банди).

## Муддат чекланган



**Ҳарбий хизматчиларнинг аёллари турмуш ўртоқларининг хизматни ўтаган жойларида уларнинг ишга жойлашишининг имкони бўлмаган тақдирда бирга яшаган вақтлари, стажга қўшилади деб эшитдим.**

**Шу тўғрими?**

– Ҳа, шундай, бироқ айрим шартлари мавжуд. Офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапоршчиклар, мичманлар ва муддатидан ташқари хизмат

ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақти, бироқ 10 йилдан ортиқ бўлмаган

**муддат иш стажига қўшилади** (Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми «з» банди).

Бунинг учун ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақтини тасдиқловчи маълумотномани тақдим этиш лозим.

Хизмат Ўзбекистон ҳудудида ўталган ҳолларда ушбу

маълумотнома Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳудудий органи томонидан берилади, хизмат чет элда ўталган тақдирда эса ҳарбий хизмат ўталган жой бўйича юқори ҳарбий қисмлар, муассасалар, ҳарбий-ўқув (ўқув) муассасалари командирлари (бошлиқлари) томонидан берилади (252-сон Низомнинг 68-банди)

## Иш ҳақиға мукофотлар

**?** *Пенсияни ҳисоблашда мукофотлар ёки бошқа рағбатлантириш тусидаги тўловлар ҳисобга олиними?*

– Ҳа, бироқ 2019 йил 1 январгача бўлган давр учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланиши шарти билан ҳисобга олинади (252-сон Низомнинг 98-банди).

## Тўқсонинчи йиллардаги тартиб

**?** *Архивда пенсияни расмийлаштириш учун 1993–1995 йиллардаги иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома берилган, унда ҳисоб-китоб варақаларида алоҳида сатрда акс эттирилмаганлиги сабабли мажбурий суғурта бадаллари кўрсатилмаган. Ҳисоб-китоб варақалари иш ҳақидан ушланмалар келтирилган, бироқ уларнинг турлари кўрсатилмаган. Масалан, иш ҳақи ҳисобланди – 150 сўм, иш ҳақидан ушланмалар – 21 сўм.*

*1993–1995 йиллар учун мажбурий суғурта бадаллари ставкаси қандай бўлган? Пенсия жамғармаси бўлими пенсияни ҳисоблашда ушбу даврни стажга қўшадими?*

– Илк марта «суғурта бадалларини тўлаш» тушунчаси «СССР фуқароларининг пенсия таъминоти тўғрисида»-ги Қонун билан жорий қилинган эди, пенсия ҳисоблаш учун иш стажы ушбу тўлов эвазига ҳисобга олинади. Мустақилликка эришилган кейин ҳам ушбу Қонун мустақил Ўзбекистон ҳудудида 1994 йил 1 июлга қадар, яъни 3.09.1993 йилда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун кучга киргунига қадар амал қилган.

**Маълумот учун.** Вазирлар Маҳкамасининг 14.01.1994 йилдаги 9-сон қарорига мувофиқ СССР пенсия жамғармасининг Республика бўлими ташкил этилган, унинг вазифаларидан бири тўловчилар томонидан республика ҳудудида СССР Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ўз вақтида тўланишини бўйича ишларни ташкиллаштириш бўлган.

Аввал суғурта бадаллари ставкаси иш ҳақининг 1%ини ташкил этган, кейин босқичма-босқич оширилган. Шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, ҳисоб-китоб қайдномаларида суғурта бадаллари алоҳида сатрларда берилмасдан умумий ушланмалар кўрсатилган.

Шу муносабат билан Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан иш ҳақидан ижтимоий таъминот учун ушланмаган қилинганлиги далили қўшимча равишда кўриб чиқиши лозим (252-сон Низомнинг 57-банди). Бунда давлат муассасалари ва корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳажмини яшириш ёки солиқ солишдан бўйин товлаш мақсадида «яширин» иш ҳақлари далиллари мавжуд эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу далилни қўшимча равишда текширишга ўта зарурат бўлмайди. Иш ҳақидан умумий ушланмалар суммаси мавжуд бўлса, унда 1%лик суғурта бадаллари ҳам борлиги аниқ.

Зафаржон Хўжаев, «Norma» МЧЖ эксперти.

Реклама

**NORMA**

**«КОРҲОНА ЮРИСТИ»**

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўчи, 1/1, Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Маевуеий сонни Алла Ромашко олиб боради.



## Телефон орқали савол

## Манзил бўйича ёрдам

**?** *Бизда бепул озиқ-овқат ва кийим-кечак оладиган пенсионерлар ҳам борми?*

– Бундай тоифадаги пенсионерлар жумласига 1941–1945 йиллардаги уруш фахрийлари, шунингдек фашист концлагерларининг собиқ вояга етмаган тутқунлари ва Ленинград шахридаги блокада даврида ишлаган фуқаролар киритилади. Улар асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, гигиена товарлари, шунингдек маҳаллий ишлаб чиқарилган зарур кийим-кечаклар ва пойабзал билан таъминланади.

Рўйхатга 15 номдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда аёллар ва эркеклар учун 10 номдаги кийим-кечак ва пойаб-

заллар киритилган (ВМнинг 28.04.2018 йилдаги 317-сон қарорига 1, 2-иловалар).

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронларга ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатилади, бу ишлар ижтимоий хизматларнинг шаклантирилган яқка тартибдаги дастурлари асосида амалга оширилади. Фуқароларнинг бундай тоифаларига 19 номдаги зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена воситалари берилади (Низомга 5-илова, ВМнинг 10.08.2015 йилдаги 237-сон қарори билан тасдиқланган).

## Сайтга саволлар

## Пенсия ҳисоблашда қайси мезонларга асосланилади?

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқаролар пенсия олиш ва ҳисоблашга оид турли саволлар билан мурожаат қилади. Мазкур саволларга Пенсия жамғармаси жавоб беради.

**?** *Отанинг пенсияси кам. Иш стажы 27 йил. Ҳайдовчи, тракторчи, муроб вазибаларида ишлаган. Ҳозир 350 минг сўм пенсия оляпти. Нега пенсияси кам ҳисобланган?*

– Пенсия миқдори фуқаронинг иш стажы давомийлиги ва ойлик иш ҳақи миқдорига боғлиқ бўлиб, дастлаб пенсиянинг таянч миқдори аниқланади.

Пенсиянинг таянч миқдори пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг танлови асосида унинг охириги 10 йиллик меҳнат фаолиятидаги кетма-кет 5 йиллик ойлик иш ҳақларидан аниқланади. Агар пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг охириги 10 йиллик меҳнат фаолиятига оид ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлари йўқ бўлса, бундай ҳолатларда пенсия ҳисоблашда ойлик иш ҳақи йўқ бўлган даврлар учун ўша пайтдаги пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдори (энг кам ойлик иш ҳақи) ҳисобланиб, пенсиянинг таянч миқдори аниқланади.

Агар пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахс талаб қилинганидан ортиқча иш стажига эга бўлса, ушбу шахснинг ҳар бир ортиқча ишлаган йиллари учун пенсиянинг таянч миқдори аниқланган ўртача ойлик иш ҳақининг бир фоизи миқдорида оширилиб борилади ва миқдорлар жамланиб, битта умумий пенсия аниқланади. Агар ўртача ойлик иш ҳақи миқдори паст миқдорларда аниқланган



бўлса, пенсия миқдори ҳам ушбу ўртача ойлик иш ҳақи миқдори мутаносиб равишда белгиланади.

Шунингдек, Пенсия жамғармаси бўлими иш стажини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг мазмунини ва зарур тарзда расмийлаштирилганлигини баҳолайди. Зарур ҳолларда эса меҳнат фаолиятининг айрим даврларини иш стажы ҳисобида инобатга олиш ёки олмаслик тўғрисида тегишли қарор қабул қилиш ваколатига эга.

ЎЗА материали асосида.

*Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.*

Хорижда қандай

## Танлов бўйича пенсия

Буюк Британиянинг давлат пенсия таъминоти тизими – жаҳондаги энг қадимгилардан. Ёшга доир пенсия тўғрисидаги қонун қабул қилингандан кейин дастлабки давлат пенсиялари 1908 йилдан бошлаб тўланган.

### Давлат томонидан кафолатланган

Буюк Британиядаги замонавий пенсия тизими кўпгина ривожланган давлатлардаги сингари кўп даражалидир. Чунончи халқаро ўлчовларга кўра ўта мураккаб ҳисобланади, ҳатто мажбурий пенсия таъминоти доирасида ҳам вариантларни танлаш имконияти кенг бўлади.

**Базавий миқдор.** Унинг асосий элементи базавий давлат пенсияси (Basic State Pension, BSP) ҳисобланади. Ушбу пенсия сугурта бадаллари тўлови бўйича етарли йиллар сонини тўплаган 65 ёшдан ошган эркекларга ва 60 ёшдан ошган аёлларга берилади. Ходимнинг даромади белгиланган миқдордан юқори бўлса, у ушбу бадалларни тўлайди ва шу тариқа махсус сугурта стажига эга бўлади. Мазкур стажга қараб базавий пенсия миқдори аниқланади. Базавий пенсия белгиланган даражадан юқори бўлиши мумкин эмас. Узоқ йиллардан буён давлат пенсияси миқдори нархлар ошишига қараб индексация қилинган, бу жами пенсия тўловларида унинг улуши камайишига олиб келган.

Базавий миқдор доирасида пенсия нафақасини ёки энг кам кафолатланган даромадни (Minimum Income Guarantee, MIG) олиш мумкин, у умумий солиқлардан молиялаштирилади. Нафақа пенсионернинг даромадларини текшириш асосида тайинланади. Олинадиган давлат, хусусий пенсиялар миқдори ва жамғармалар миқдори белгиланган миқдордан кам бўлса, қўшимча равишда белгиланган миқдордаги нафақа тайинланади.

Мазкур нафақа 60 ёшдан бошлаб тўланади. 2003 йилдан энг кам кафолатланган даромад пенсия кредитига (Pension Credit, PC) трансформация қилинади. Пенсия кредитининг асосий фарқи жиҳати шундан иборатки, бундай тўловлар 65 ёшдан бошлаб тўланади.

**Иккинчи мажбурий миқдор.** Шунингдек тақсимловчи ҳисобланади ва ходимнинг бадаллари ҳисобига молиялаштирилади. Базавий миқдорда тўланадиган пенсиядан фарқи ўларок, бунда пенсия миқдори ва тўланадиган бадаллар миқдори ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Иккинчи миқдор (устуворликлар мавжуд бўлмаганда) давлат пенсия дастури билан таъминланади, унда иш ҳақи мутаносиб равишда тўлаш назарда тутилган. Давлат пенсия дастурида иштирок этишни хоҳламаган ходим ундан чиқishi мумкин, лекин мазкур ҳолатда у қўшимча пенсия таъминотининг бирор-бир схемасида иштирок этиши шарт.

Давлат пенсия дастури (State Earnings Related Pension Scheme, SERPS) профессионал пенсия тизимларида иш-

тирок этмаганларнинг иш ҳақига боғлиқ бўлган пенсияни таъминлаш мақсадига яратилган. 2002 йилдан бошлаб пенсия дастури «Иккинчи давлат пенсияси» (State Second Pension, S2P) дастури билан босқичма-босқич алмаштирилмоқда, у кичик даромад оладиган шахслар ва ногиронлар учун пенсиянинг муносиб миқдорини таъминлаб бериши лозим. Амалиётнинг кўрсатишича, кам даромад топадиган фуқаролар давлат пенсия дастурида қолишни афзал кўрган бир пайтда ёшлар ва даромади юқори бўлган фуқаролар давлат пенсия тизимидан қўшимча тизимга ўтишмоқда.

Мажбурий пенсия схемалари билан таъминловчи ўртача тайинлаш коэффициенти 47,6%ни ташкил этади.

### Якка тартибда жамғариш

**Қўшимча пенсия таъминоти.** Буюк Британияда хусусий пенсияларни тайинлашнинг кўпгина турлича усуллари мавжуд. Профессионал пенсия тизимлари кенг тарқалган. Ходимлар иш берувчилар билан жамоа шартномаларини тузадилар, уларга асосан пенсия таъминоти учун бадаллар ажратилади ва пенсия тўлови шакллантирилади. Кўпгина профессионал пенсиялар белгиланган тўловлар механизмидан фойдаланадилар, янги тўлов миқдори охириги иш ҳақининг муайян улушига мос келади. Бироқ бадаллар миқдори белгиланган схемадан ҳам фойдаланилади – уларда нафақа миқдори амалда пенсия расмийлаштирилганда маълум бўлади ва бадаллар, инвестиция даромади, пенсияга чиқishi ёшига боғлиқдир. Фуқаро шахсий пенсиялар тизими ёрдамида пенсияни жамғариши мумкин, бу тизим бадаллар миқдори белгиланган ҳолда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига асосан фаолият юритади.

Буюк Британияда аҳолининг қўшимча пенсия таъминоти бўйича хизматчиларни шахсий сугурталашдан тортиб профессионал схемалар бўйича пенсия таъминотига бўлган хизматларни кўрсатадиган сугурта компаниялари пенсия таъминоти тизимида муҳим роль ўйнамайди.

Қўшимча пенсия таъминоти пенсияларни сезиларли даражада табақалаштиради: энг бой пенсионерлар учун мажбурий ва ихтиёрий схемалар бўйича пенсия тайинлашнинг суммар коэффициенти («юқори» 5%) 87%ни, энг камбағаллар учун эса («қуйи» 5%) – фақатгина 21%ни ташкил этади.

Интернет тармоғи материаллари асосида.

Маэзуей сонни Алла Ромашко олиб боради.

## Электр энергиясининг автоматлаштирилган ҳисоби 2021 йилдан ишга туширилади

Вазирлар Маҳкамаси 28.09.2020 йилдаги «Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этишни жаддаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 594-сон қарорни қабул қилди.

Президентнинг 9.07.2019 йилдаги «Ёқилғи-энергетика соҳасида ўзаро ҳисоб-китобларни янада такомиллаштириш ва молиявий барқарорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5761-сон Фармони ни амалга ошириш, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш мақсадида:

- электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда – ЭХНАТ) «ишлаб чиқариш – подстанция – тақсимлаш пункти – трансформатор подстанцияси – истеъмолчи» занжирига асосланади;
- ҳисоблагичлар биринчи навбатда йирик истеъмолчилар ва тадбиркорлик субъектларида ўрнатилади;
- аҳоли яшаш пунктларида барча истеъмолчиларга, тақсимлаш пунктлари ва трансформаторларга ҳисоблагич ва концентраторлар бир вақтнинг ўзиде ўрнатилади;

➢ автоматлаштирилган тизимни ўрнатиш ва фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун жойлардаги барча ходимларнинг кўникма ва малакаси оширилади.

Ҳужжат билан:

- электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналари, концентратор ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш графиги;
- ҳудудларнинг шаҳар ва туманлари кесимида ЭХНАТни жорий этиш графиги;
- ЭХНАТни жорий этишни ташкиллаштириш бўйича ҳудудий ҳамда туман ва шаҳарлар бўйича ишчи гуруҳларнинг намунавий таркиби;
- ҳудудларда мутахассисларни ЭХНАТни жорий этиш ва фойдаланишга ўргатиш бўйича амалий машғулотлар ўтказиш графиги тасдиқланди.

Қарор билан ЭХНАТнинг жорий этилишини назорат қилиш, натижадорлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш махсус комиссияси ташкил этилади. Комис-



сия ва ишчи гуруҳларнинг амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботлари халқ депутатлари туман ва вилоятлар Кенгашида эшитилади.

Энергетика вазирлигига «Худудий электр тармоқлари» АЖ билан бирга қўлдан бўлиб қолган ТИАни 2020 йил 1 ноябрга қадар якунлаш, 2021 йил 1 январдан бошлаб эса ҳисобга олиш тизимининг узлуксиз ишлаши, электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундиришни таъминлаш топширилди.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 29.09.2020 йилдан кучга кирди.**

## Экспортни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш билан махсус комиссия шуғулланади

Вазирлар Маҳкамасининг 6.10.2020 йилдаги 601-сон қарори билан Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисида низом тасдиқланди.

Ҳужжат Президентнинг 18.08.2020 йилдаги ПФ-6042-сон «Республикада экспорт ва инвестиция

салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ни амалга ошириш доирасида қабул қилинган.

Низомга мувофиқ Бош вазирнинг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Ҳукумат комиссиясининг раиси ҳисобланади.

Низом ҳукумат комиссиясининг асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш тартиби, комиссиянинг ишчи органлари, шунингдек қарорларни қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш тартибини белгилайди.

Комиссиянинг асосий вазифалари белгиланди:

- экспорт салоҳиятини ривожлантириш;
- инвестиция лойиҳаларининг самарали амалга оширилишини таъминлаш;
- ҳудудларда саноат кластерларини ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;
- олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш юзасидан тасдиқланган «йўл хариталари»нинг ижросини назорат қилиш.

Қуйидагилар Ҳукумат комиссиясининг ишчи органлари ҳисобланади:

Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибияти;

Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 7.10.2020 йилдан кучга кирди.**

## Туризм соҳасида тадбиркорлар харажатларининг бир қисми компенсация қилинади

Вазирлар Маҳкамасининг 6.10.2020 йилдаги 602-сон қарори билан коронавирус пандемияси туфайли юзага келган иқтисодий вазиятда туризм соҳаси субъектларини қўллаб-қувватлаш ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланди.

Ҳужжат Президентнинг «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (28.05.2020 йилдаги ПФ-6002-сон) ҳамда «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (19.06.2020 йилдаги ПҚ-4755-сон) ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Ҳужжатга мувофиқ туризм соҳаси субъектларининг кредитлари бўйича Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоизлик пунктдан ортқ бўлмаган фоиз харажатларининг бир қисми қуйидаги шартларда компенсация қилинади:

- жойлаштириш воситаларини қуриш учун олдин берилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 июндан 2022 йил 1 январгача бўлган давр учун;
- янги санитария-гигиена талабларига мувофиқлаштириш учун бериладиган кредитлар бўйича;
- айланма маблағларни тўлдириш учун 1 млрд

сўмгача миқдорда ажратилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 июндан 31 декабргача бўлган давр учун.

Бундан ташқари, жойлаштириш воситаларини қуриш учун олдин берилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 мартдан 1 июнгача бўлган даврда фоиз харажатлари тўлиқ ҳажмда қопланади. Мазкур субсидиялар туризм соҳаси субъектларининг кредитлари сони ва ҳажмидан, шунингдек олдин берилган ва (ёки) берилмаётган компенсациялар сонидан қатъи назар ажратилади.

Ҳужжат билан Туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситалари харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Низомга мувофиқ қуйидагиларга субсидиялар ажратилади:

- туроператорларга – авиа- ва темир йўл чипталари харажатларининг бир қисмини қоплаш учун;
- турагентларга ва турагентларга – Ўзбекистонга олиб келинган ва хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий турист учун;
- жойлаштириш воситаларига – жойлаштириш хизматлари (меҳмонхона хизматлари) учун.

Ҳужжат билан қуйидагилар тасдиқланди:

- Туризм соҳасининг алоҳида субъектлари фаолияти билан боғлиқ харажатларни қисман компенсация қилиш ва ҳужжалик субъектларининг эпидемияга қарши курашиш профилактик тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган харажатларини қоплашнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низом;

➢ Туризм ва ёндош инфратузилма объектлари ҳамда туристик хизматларни санитар-гигиеник жиҳатдан хавфсиз хизмат кўрсатиш талаблари асосида сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низом;

➢ Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги Хавфсиз туризм жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом;

➢ Ўзбекистон Республикасида туристик зоналарга автотранспорт воситалари билан кириш учун йўл чипталари ундириш тартиби тўғрисидаги низом.

Туристик зонада замонавий автотурагароҳ ташкил этиш учун дастурий таъминот, тўлов операцияларини амалга ошириш учун ускуналар ўрнатиш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Туристик зонага киришдан тушган даромадлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

- 80%и – Туристик зона дирекцияси махсус ҳисобрақамига;
- 20%и – маҳаллий бюджетга.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига бир ой муддатда ўзининг сайтыда субсидия ва грант олинганлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш топширилди.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 7.10.2020 йилдан кучга кирди.**

## Халқ таботати вируснинг тожини синдирадими?

Бугунги кунда дунё мамлакатлари аҳолисининг табиий, арзон ва хавфсиз халқ таботати усуллари ва дори воситаларига қизиқиши ортиб бормоқда.

Мўътадил иқлимга эга мамлакатимизда эса бу борада кенг имкониятлар мавжуд. Қолаверса, табиий ҳолда ўсадиган ўзига хос доривор гиёҳларимиз борлиги, диёримизда буюк табиблар ўтгани ва улардан улкан маънавий мерос қолганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Шу кунларда дунёни хавотирда ушлаб турган пандемия шароитида кўплаб олимлар унга қарши вакцина тайёрлаш ҳаракатида изланмоқда, ўз тақлифларини беришмоқда. Зеро, тождор вирусга даво топиш шу кунларда ҳамма учун муҳим иш бўлиб турибди.

Ўзбекистон халқ таботати академияси раҳбари Меҳри НУРУЗОВА билан юртимизда мавжуд шифобахш гиёҳлардан COVID-19 ни даволашда керакли дори ёки вакцина ишлаб чиқариш, бунга кимлар даъвогарлик қилаётгани, ўлкани шомоллаш ва касалликлардан асраш учун нималарга эътибор бериш борасида сўхбатлашдик.

– Таботат кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ, аксинча минг йиллардан буён мавжуд, – дейди Меҳри Нурузова. – Тўғри, 1924 йилда таботатчиликни тубдан йўқотиш ҳақидаги қарор билан бу борадаги ҳамма нарсага тақиқ қўйилган эди. Яқин йиллар ичида бу борадаги қарашлар тубдан ўзгарди, халқнинг бойлиги ўзига қайтарилди. Утган алломаларнинг мероси қайта тикланди.

Аммо, тан олиб айтиш керакки, халқимиз орасида таботатда саводсизлик кучли. Таботат асосини билмаган инсонлар 2-3 гиёҳни бир-бирига қўшиб, короновирусга ва бошқа касалликларга дори топдим деб, академияга келади. Олим сифатида айтмоқчиманки, пандемия бутун дунё ўрганаётган янги офат. Уни ҳали очик, ошкора таниб олганимиз, билганимиз йўқ. Демак, тиббиёт илмидан беҳабар одам унга даво топдим деса, шубҳали кўринади.

Пандемия шароитида биз доир воситаси билан эмас, балки иммун тизимимизни ошириш билан жавоб бера оламиз. Бунинг учун инсоннинг мия, юрак ва жигарига эътибор қаратиб, дорилар тайёрлашимиз керак. Юқори нафас, ўпка касалланганда уни даволовчи, мижозни қиздирувчи йиғмалар йиққанмиз. У 80 фоизгача зарарланган ўпкани даволайди.

Бугунги кунда вирус туфайли ўлим ҳолатлари иккинчи ёндош касалларнинг кўпайганидан келиб чиқмоқда. Айниқса, қандли диабет, қон босими ошиши кабилар бу борада анча хавфли.

– Гиёҳлардан дори тайёрлангани борасида айтиб ўтдингиз. Биз Чорсу ёки бошқа бозорларга борсак, турли гиёҳларни кўрамиз. Айтайлик, биз уларни ёйма бозордан олсак, ўтларни хусусиятига зарар етган бўлмайдими?

– Биз ўрмон ҳўжалиги билан бевосита ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Шу боис доривор ўтларни оладиган жойларимиз аниқ. Доришunosларимиз яхши билади, йўл ёқасида ўсган ўсимлик қанчалик зарарланишини. Шу боис ўтларни қаердан олингани, қаерда ўсганини аниқлаш керак. Ҳовлида ўсгани билан йўл ёқасида ўсган ўсимлик таркиби бир-биридан фарқ қилади.

Кўп хорижий давлатларда бўлганман. Тўғри, Эрон, Хитойда доривор ўтларни баққоллар бозорда қўлаб сотади. Чунки, бу давлатларда плантациялар мавжуд. Ундаги ўсимликлар таркибини илмий институтлар текшириб туради. Биз ҳали бу даражага етиб келмадик.

– Тўғри айтасиз. Бундан ташқари Ибн Синонинг асарлари ва бошқа тиббиёт китобларида гиёҳларни қуритиш тартиби, уни тери олиш

муддатлари ҳақида алоҳида тушунтиришлар берилади...

– Албатта, таботат жуда катта фан. Баъзи ўтлар борки, эрталаб тери олиш керак. Яъни шабнам тушган ёки тушмаган вақт ҳам бунда ҳисобга олинади. Шу боис ўтларнинг доривор хусусиятларини сақлаб қолишда унинг қачон терилгани, қандай қуритилгани жуда муҳим. Ҳар бир ўтнинг таркиби бу ҳолатга жуда боғлиқ. Акс ҳолда унинг қуруқ чўлдан фарқи қолмайди.

Ҳозирда кун совий бошлади. Бу вақтда мижозни иситадиган ўтлардан фойдаланиш керак. Бунда уларнинг миқдорига эътибор бериш керак. Мисол учун, асални бир чой қошиқ ичиш ёки ялаш мумкин.

– Пандемияни совуқда янада авж олиши мумкинлиги айтилмоқда. Ана шундай совуқ кунларда соғлигимизни сақлаш учун нималарга эътибор қилишимиз керак? Иссиқ мижозли маҳсулотлар деганда нималарни назарда тутдингиз?

– Асал, қорамурч, зира иссиқлик ҳисобланади. улардан доим фойдаланамиз. Зира таомга нафақат таъм беради, балки овқатнинг иссиқлигини оширади. Ошқозон ости безини қиздириб, ҳазмини кучайтиради.

Инсон ўзининг мижозига қараб, керакли овқатни истеъмол қилса, ўзини ўзи ҳимоя қилган бўлади. Мисол учун, пиёзнинг бир неча тури бор. Қизил, оқ ва жайдари пиёз. Уларнинг ҳар бирининг ўз хусусиятлари бор. Мисол учун, қизил пиёзнинг ҳиди унча кучли эмас, уни хом еган маъқул. Саримсоқпиёзни салатларга солсак, ўзимизга фойда. Занжабил ҳам оммалашди. Уни овқатга солиш мумкин. Юпқа кесиб, еб турилса, оғиз бўшлиғини ҳидини яхшилайдди, ҳазмини кучайтиради, мижозни қиздиради.

Юртимизни жаннатмонанд деб бежизга айтишмайди. Эътибор қилсангиз, баҳорда қулупнайдан бошлаб, кузда малинаю, хурмо, беҳи билан йилни тугатамиз.

Ҳозир анор пишиди. У жуда фойдали, ундаги витаминлар ҳеч қаерда йўқ. Анжир ўпканинг дўсти, йўталда балғамни тез пиширади. Шолғом ҳам шундай, жуда фойдали.

**Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш ўринли, деб ҳисоблайман: «Нодон табиб – жаллоднинг шогирдидур; жаллод тиғи билан, табиб эса захри билан ўлдирур, у золим ва зулм қилувчидур. Жаллод нодон табибдан афзалдур. У ҳукм этилганларни ўлдирур, табиб эса айбсиз, гуноҳсизларни ўлдирур».**

ЎЗА материаллари асосида.

### ҚИЗИҚАРЛИ СТАТИСТИКА

Мамлакатимизда 794 нафар 100 ёшдан ошган пенсия ва нафақа олувчи бор.

## Юз ёшдан ошган юртдошларимиз қайси ҳудудда кўпроқ?

Жорий йил 1 октябрь ҳолатига, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий туман (шаҳар) бўлимлари ҳисобида туриб, пенсия ва нафақа олаётган 100 ёшга тўлган ва 100 ёшдан ошганлар сони 794 нафарни ташкил қилади.



Шундан, 131 нафари (16,5 фоиз) эркак ва 663 нафар (83,5 фоиз) аёл.

100 ёшга тўлган ва 100 ёшдан катта ёшдагилар сони Қашқадарё вилоятида 143 нафар (18 фоиз), Сурхондарё вилоятида 120 нафар (15,1 фоиз), Самарқанд вилоятида 78 нафар (9,8 фоиз), Фарғона вилоятида 76 нафар (9,6 фоиз), Тошкент вилоятида 64 нафар (8,1 фоиз), Наманган вилоятида 59 нафар (7,4 фоиз), Андижон вилоятида 56 нафар (7,1 фоиз), Бухоро вилоятида 37 нафар (4,7 фоиз), Хоразм вилоятида 36 нафар (4,5 фоиз), Жиззах вилоятида 31 нафар (3,9 фоиз), Навоий вилоятида 27 нафар (3,4 фоиз), Тошкент шаҳрида 25 нафар (3,1 фоиз), Қорақалпоғистон Республикасида 23 нафар (2,9 фоиз) ва Сирдарё вилоятида 19 нафар (2,4 фоиз)ни ташкил қилади.

Пенсия жамғармаси матбуот хизмати хабарига кўра, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 383 нафар пенсия ва нафақа олувчи 100 ёшга тўлди. Уларнинг 70 нафари (18,3 фоиз) эркак ва 313 нафари (81,7 фоиз) аёллардир.

Реклама

**«СОЛИҚЛАР: САВОДЛАР ВА ЖАВОБЛАР»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1.  
Тел.: (71) 200-00-90.  
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

<p>Иккундлик ҳафталик газетаси</p> <p><b>НОРМА МАСЛАХАТЧИ</b></p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Фарҳод Собирович ҚҮРБОНБОЕВ</b></p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир уринбосари, масъул котиб <b>Ноҳир Носирович АЛИМОВ</b></p> <p>Саҳифаловчи <b>Наталья БАРАНОВА</b></p>	<p>ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1, Тахририят тел. (71) 200-00-90 Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30 E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; Рекламини жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига муурожаат қилиш мумкин.</p>
--	--	--	--	--

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Нашр ўрсатишни – 186. Қроғ бичими – АЗ. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда.  
Буюртма f-1022. Адади 535. Газета 2020 йил 12 октябрь соат 16.00 да топширилди.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди, манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41. 123456 ISSN 2010-5223